

Муҳаббатхон АГЗАМОВА

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO
кафедраси катта ўқитувчиси

“ТАРИХ АР-РУСУЛ ВА-Л-МУЛУК” АСАРИДА ТАРИХИЙ ВОҚЕАЛАРНИ БАЁН ЭТИШ УСЛУБИ

ПОДХОД К ПОВЕСТВОВАНИЮ ИСТОРИЧЕСКИХ СОБЫТИЙ В “ТАРИХ АР-РУСУЛ ВА-Л-МУЛУК”

APPROACH TO THE DESCRIPTION OF HISTORICAL EVENTS IN “TARIKH AR-RUSUL VA-L-MULUK”

Аннотация: Мақолада Ибн Жарир Табарийнинг “Тарих ар-русул ва-л-мулук” асарида тарихий воқеаларни баён этишининг ўзига хос услублари ва аҳамиятли жиҳатлари ёритилган. Ушбу асар бугунги кунга қадар етиб келган ислом тарихи бўйича дастлабки энциклопедия ҳисобланади. Мазкур китоб ўзида муайян тарихий ҳодиса борасида асосий маълумотларни жамлаб, воқеанинг келиб чиқиши сабабини аниқлаш имконини беради.

Калит сўзлар: Табарий, ислом тарихи, анбиё, муаррих, манба, мухтасар, муфассал, муаллиф, тасниф, набий, аллома, таъвил, суннат.

Аннотация: В статье освещены специфические методы и важные аспекты изложения исторических событий в книге Ибн Джарира Табари «Тарих ар-русул ва-л-мулук». Исторические повествования в работе представлены в хронологическом порядке на основе цепи передатчиков и признаётся как первая энциклопедия по истории ислама, дошедших до наших дней. Данная книга считается уникальной тем, что в ней собраны основные сведения по определенным историческим событиям.

Ключевые слова: Табари, история ислама, пророки, историки, источник, содержание, подробный, автор, классификация, пророк, ученый, толкование, сунна.

Annotation: The article describes unique techniques and important aspects of narrating historical events in Ibn Jarir Tabari's work “Tarikh ar-rusul wal-muluk”. In this source which is still recognized as the first encyclopedia of Islamic history, historical narratives are presented chronologically based on a the chain of transmission.

Keywords: Tabari, Islamic history, prophet, historian, source, mukhtasar, mufassal, author, tasnif, nabi, scholar, ta'vil, sunnah.

КИРИШ

Табарий яшаган давр тафсир, кироат, ҳадис ва фикҳ каби илмлар камол топиб, аҳли сунна вал жамоадаги тўрт мазҳаб шаклланиб, соҳага оид манбалар хусусан, ҳадис илмида олти саҳиҳ китоблари ёзилиб, наҳв, сарф, аруз, адаб ва мантиқ илмига оид манбалар таълиф этилиб бораётган даврга тўғри келади. Табарий сермахсул олим бўлиб, унинг энг машҳур ва ҳаммага маълум асарлари орасида “Тарих ар-русул ва-л-мулук” асари ўзига хос ўрин эгаллайди. Муаллиф асарни хижрий 290 (903) йилда ёзишни бошлаб, хижрий 303 (915-916) йилда тугатди. Асарда баён этилган тарихий воқеалар дунё яратилишидан то 302 йил зулҳижжа ойининг 22 санасигача бўлган тарихий жараёнларга оид материаллардан иборат. Алломанинг ўзига хос машаққатли меҳнати қадрланиб, кейинги давр уламолари орасида “Абу-л-муаррих”, “Шайху-л-муаррих” тахаллуслари билан эътироф этилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Асар аввал ёзилган бизгача етиб келмаган тарихий асарлардан кўплаб маълумотлар келтирилганлиги билан ҳам муҳим аҳамиятга молик бўлиб, бу эса ўз навбатида алломани ислом оламида буюк тарихчи сифатида танилишига сабаб бўлди. Табарий асарда ўзи яшаган даврига қадар яъни, ўлимидан саккиз йил аввал (302/915 йилгача) бўлган давргача тарихий жараёнлар баённи келтирган [1:297]. Алломанинг ушбу асари уламолар томонидан ўзига хос манба эканлиги тан олинган. Хусусан, Ибн Холликон Табарий тарихини энг тўғри тарих сифатида эътироф этади [5:332].

Ирок тарихчиси Жавад Алий Табарий асари хусусида қуйидаги фикрларни келтиради: Умумий тарихни ёзадиган кўплаб тарихчилар сингари, Табарий ҳам бутун эътиборни давлат бошқарувига оид тарихий жараёнларни ёритишга ҳаракат қилади. Бунга ўзи яшаган давр руҳи таъсир кўрсатган. Табарий тарихшуносликка хос қарашлар, араблар ва аямлар хусусан, христиан динига оид маълумотлардан кенг фойдаланган. Христиан динига оид маълумотлар айниқса, ўрта асрларда жаҳон сиёсатини бошқаришда муҳим жиҳатларини ёритишда кенг фойдаланилган [2:175-176].

Жавад Алий ўз фикрини давом эттириб, Табарий ҳаётининг асосий қисмини ўша даврнинг муҳим минтақаларида ўтказганлиги, у ташриф буюрган бу ҳудудлар қадимги Шарқнинг маданий марказларидан эканлиги, ўша даврдаги қадимий қадамжойларга бориб, у ердан олган

маълумотлари ва тарихий ривоятларга таяниб, тарихий воқеаларни баён этувчи асар ёзишга киришганлигини эслаб ўтади. Аллома асарда ўз даврининг бошқа тарихий асарларида учрамайдиган тафсилотларни бера олганлигини эътироф этиш билан бирга, ўзи саёхат қилган қадимий қадамжойлар ҳақида маълумотлар бериб ўтмаганлигини танқид қилади [2:170].

Бу услуб ҳам алломага хос бўлиб, муаллиф асарда тарихий воқеаларни қандай баён этиши ҳақида асарининг кириш қисмида баён этиб, фақатгина халифаликдаги чегаралар ҳақида маълумотлар тақдим этаётганида жуғрофий маълумотлар келтирганлигини айтиб ўтган [3:6].

Табарий Урва ибн Зубайрнинг (ваф. 94/712) ёзма материаллари ва рисоалари, Ваҳб ибн Мунаббихнинг (ваф. 110/728) “Китобул мубтада” асари, Зухрийнинг (ваф. 124/741) ёзма материаллари, Мусо ибн Уқбанинг (ваф. 141/758) асарлари, Муъмар ибн Рашиднинг (ваф. 154/770) “Китобул мағозий” асари, Ибн Исҳоқнинг (ваф. 151/768) “Китобул мағозий” асари, Салама ибн Фазлнинг (ваф. 191/806) ривоятларини, Абу Маъшар Синдийнинг (ваф. 170/786) “Китобул мағози ва тарих” асари ва Воқидийнинг (ваф. 207/822) “Тарихул кабир” асарларидан кўплаб маълумотлар келтирган. Табарий асаридан Масъудий, Ибн Мискаваҳ, Ибн Асир ва Ибн Халдун ўзларининг тарихга оид асарларида фойдаланганлар [3:21].

Табарий “Тарих ар-русул ва-л-мулук” асарини ёзишда оғзаки манбалар билан бирга ёзма манбаларни ҳам беришга ҳаракат қилади. Муаллиф ёзма манбаларни ўзига хос услубда бериб, “хаддасана Ибн Хумайд қола, хаддасана Салама қола, хаддасана Ибн Исҳоқ” каби сўзларини қўллаш билан Муҳаммад ибн Исҳоқнинг “Китоб ул-Мағозий” асаридан фойдаланганлигига ишора қилади. Муаллиф оғзаки нақллар асосида келган маълумотларни етказишда эса, “қола”, “закара”, “важадту”, “ҳадисту”, “ухбирту”, “рава” каби сўзлар билан баён қилишга ҳаракат қилган.

Табарий асарда тарихий материалларни ўзига хос услубда тақдим этган. Табарий ўзининг “Тарих ар-русул ва-л-мулук” муқаддимасида “асарни таълиф қилишда асосан тарихий воқеаларни ровийлардан келган хабар ва маълумотлар тарзида тақдим этганлиги, жуда кам жойларда хулосалар келтирганлиги, бунга сабаб ўтмишда бўлган воқеаларга гувоҳлик бера олмаслиги ва ровийлар орқали етказилганлиги ва аҳамияти нуқтаи назаридан кам эътиборли тарихий воқеаларга унчалик

тўхталиб ўтмаганлиги, ровийлардан келган хабарларни ўзига келганидек тақдим этганлиги” ҳақидагига маълумотларга тўхталиб ўтади [3:7-8].

Табарий тарихи анъанавий икки бўлимдан, яъни 1-бўлим “Исломдан аввалги” давр ва 2-бўлим “Исломдан кейинги давр” ҳақида баён этилиб, 1- бўлимда дунёнинг яратилиши, Одам Атонинг яратилиши, Қобил ва Хобил воқеаси, аввалги пайғамбарлар Нух а.с., Иброҳим а.с., Лут а.с. каби пайғамбарлар тарихи, араблар тарихи ва жоҳилия даври тарихи баёни келтирилади.

“Исломдан кейинги давр” деб номланган иккинчи бўлим учта қисм асосида баён этилган. Биринчи қисм “Саодат асри” даври бўлиб, унда Пайғамбар а.с. ва Хулафои рошидинлар даври, иккинчи қисмда Уммавийлар даври, учинчи қисмда ҳижрий 302 йилгача бўлган даврдаги тарихий жараёнлар баёни келтирилган. Воқеалар баёнида баъзида ўнлаб саҳифаларда [7:301-391], баъзида эса, бир неча сатрларда (ҳижратнинг 25-йили) [7:168] воқеаларга оид материалларга қараб маълумотлар келтирилган. Ҳар йилнинг охирида ўша йилда вафот этган муҳим шахслар, олимларнинг исмлари ва саналари, вилоят ва шаҳарларнинг номлари, ҳокимлар, ҳаж сафарлари ва ўша йилдаги сафарлар ҳақида маълумотларни келтирилиб ўтилган.

Табарий ҳадис илмини мукаммал ўрганганлиги сабабли, тарихий жараёнлар баёнида ҳам ҳадислардан кенг фойдаланганлигини кўрамыз. Баъзи тарихий жараёнлар оғзаки нақл орқали етиб келган маълумотлар асосида, таянчилган манбаси кўрсатилмаган ҳолда баён этилган. Манбада оғзаки нақл ривоятларга таяниб, ровийлар силсиласи тўлиқ тарзда келтирилмай, баъзи ўринларда “буни ҳамма яхши билади” каби иборалар билан маълумотлар келтирилган. Ўша давр анъанасига мувофиқ, воқеалар гувоҳи бўлган кишилар томонидан ривоят қилиниб, ровийлар занжири орқали кейинги авлодга маълумотлар етказилган. Асарда “биз шунчаки бизга берилган маълумотлар асосида хабар бердик” каби ибораларни қўллаб, муаллифда воқеага оид бирор маълумот қолиб кетмаганлигини, ўзи билган барча маълумотларни келтириб ўтганлигини алоҳида эътироф этиб кетади [7:11].

Ҳижратдан аввал содир бўлган тарихий жараёнлар баёнида йиллар хронологик тарзда эмас, балки тарихий воқеа билан боғлиқ сарлавҳа остида маълумотлар келтирилади.

Фақатгина баъзида قیل сўздан кейин берилган ривоятлар кимга тегишли эканлиги ҳақида маълумотларни келтирмайди. Маълумотларни етиб келиши ҳақида ровийлар санади аниқ бўлмаганлиги сабабли ушбу маълумотлар قیل сўзи билан қўлланилганлиги эҳтимоли бор. Табарий асарида қўллаган услублар классик ислом тарихига оид манбаларга ҳам таъсир қилганлигини кўришимиз мумкин. Тарихий жараёнларга оид маълумот ва ривоятлар асарга киритилиб, ҳеч қандай тўсиқсиз маълумотларни беришга ҳаракат қилади. Сабаби асарнинг кириш қисмида баҳолашни асар ўқувчисига топширгани ҳақида маълумотларни келтириб ўтади [7:13].

Аллома тарихий материалларга эҳтиёткор бўлиб, ақлий далилларга эмас, кўпроқ ровийлар ривоятига таяниб маълумотларни берган. Биз бу материалларни қиёсий таққосланмасдан, таҳлил этилмаган ҳолда тақдим этилган деган фикрдан йироқмиз. Баъзи ўринларда бир қанча матеаллар келтирилиб, ўзи қай бирини қувватлаганлигини таъкидлайди. Бунга мисол тариқасида, Иброҳим а.с.нинг қайси ўғлини қурбон қилиниши буйирилганлиги тўғрисида тарихий материалларни келтириб, маълумотлар охирида ўз фикрини ҳам келтириб ўтади [7:175]. Бошқа ривоятда Абдумалик ибн Марвонни хижрий 74/693 йилда умра зиёратига борганлиги тўғрисидаги ривоятларни келтириб, бу берилган ривоятлар саҳиҳ, ишончли ривоятлар асосида тақдим этилмаганлиги ҳақида маълумот беради [7:173].

Баъзи ўринларда тарихий воқеалар баёнида узун ҳикоя қилишдан қочиб қисқа тарзда баён этиб ўтган. Масалан, асарда Абу Зарр Жаъфар ва Муавия ибн Абу Суфён орасидаги низо сабабли, Абу Заррни Мадинага юборилишига оид тарихи маълумотларни баёнида “Абу Заррнинг юборилиши тўғрисида кўплаб ривоятлар мавжуд бўлиб, ўз услубимга қарши чиқиб, бу масалани ёритиб ўтишни ўринли ҳисобламайман” деб баён қилади [7:191].

Хазрат Усмон р.а.нинг қамал қилиниши ҳақида кўплаб ривоятларни келтиргандан сўнг, “Воқидий ушбу воқеа ҳақида кўплаб ривоятлар тарқатди, мен улардан баъзилари ҳақида юқорида айтиб ўтдим” деб, ушбу тарихий жараён ҳақида кўплаб ривоятлардан баъзиларини келтирганлигини таъкидлайди [7:241]. Аллома ўзи билган ривоятлар асосида тарихий воқеаларни баён этишида кўпинча кенг камровли ва батафсил тўхталиб ўтиб, камдан-кам ҳолатларда ушбу тарихий воқеалар ҳақида қисқа тарзда маълумот берган.

Табарийнинг тарихий воқеаларни баён этиш усули ҳадисшунослар усулига хос бўлиб, бу икки соҳанинг ўхшаш жиҳати, маълумотларни узатишда ривоят асосида баён этиш орқали бўлса, тарих соҳасининг ўзига хослиги ривоятлар баёнида йилга доир маълумотлар муҳим аҳамият касб этади [6:257].

Алломанинг илмий ахлоқини кўрсатувчи омиллардан бири, Табарий ривоятларни ҳеч қандай ўзгаришсиз тақдим қилиши ҳисобланади. Аллома маълумотларни тақдим этишда исноддаги ровийларга эътиборини қаратади. Ишончли ровийлардан маълумотларни олишга интилиб, кўпроқ ҳикоячиларнинг ишончлилигини устун қўяди [4:159].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтсак, аллома асарни ёзиш жараёнида тарихий жараёнларга оид ўзининг маълумотлари бўлишига қарамай, ўша даврда яшаган одамлардан барча ривоятларни йиғиб, ўз асарига жамлади. Асарда материалларни бирин-кетин тақдим этиб, қай бири тўғрилиги ҳақидаги ўз қарашларини ҳар доим ҳам билдириб ўтмайди. Муаллиф асарда иснодлар силсиласида ровийлар маълумоти асосида тарихий жараёнлар, воқеаларни келтириб ўтади. Ушбу асар бугунги кунга қадар етиб келган дастлабки ислом тарихи энциклопедияси сифатида эътироф этилади. Табарий тарихий жараёнларга оид ривоятларни бир жойга тўплаш орқали ўзига хос тарихий ривоятларни жамлаган энциклопедияни яратди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун ан-асомий ал-кутуб ва-л-фунун. – Ж. I-II. – Байрут: Дор ул-ихё ат-турок ал-арабий, 2008.
2. Жавод Алий. Маворид тарих ат-Табарий. – Бағдод: Мажаллат ал-мажма ал-илмия ал-Ироқия, 1993. – Ж. I. – 231 б.
3. Табарий, Муҳаммад ибн Жарир. Тарих ар-русул ва-л-мулук. – Ж. I. / Муҳаммад Абул Фадл Иброҳим таҳрири остида. – Қоҳира: Дорул маориф би-Миср, 1960. – 502 б.
4. Фуат Сезгин. Тарих ат-турок ал-арабий. – Ж. I. – Ар-Риёд: Сауд исламия, 1983. – 283 б.
5. Ибн Халликон. Вафаёт ал-аён ва анбо абно аз-замон. – Қоҳира: Матбаат ас-саодат, 1-нашр. 1367/1948. – Ж. III. – 434 б.
6. Шокир Мустафо. Ат-Тарих ал-араб вал муаррихун. – Байрут: Дор ал-илм ли-л-Малайин, 1990. – Ж. I. – 412 б.
7. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий. Тарих ул-умам ва-л-мулук. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2012. – Ж. IV. – 586 б.